

“Энг яхши веб-сайт” интернет танловини ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Мазкур низомага асосан Самарқанд вилоятида ижтимоий-иқтисодий, маърифий-маданий соҳаларда олиб борилаётган ислохотларнинг боришини фаол тарғиб қилаётган, шунингдек, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ижтимоий шериклик ўрнатган веб-сайтлар иштирок этишлари мумкин.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур танловда иштирок этадиган интернет сайтлари рўйхати ушбу низомада белгиланган тартиб асосида ташкилий қўмита томонидан шакллантирилади ҳамда кейинчалик ғолиб бўлган сайтлар тегишли давлат ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланади.

2. Танловнинг асосий мақсади барча учун мўлжалланган ижобий мазмундаги энг яхши интернет ресурсларни яратиш, кўпайтириш, мавжудларини аниқлаш ва рағбатлантириш, веб-ресурсларни яратувчилар диққат-эътиборини интернет технологияларидан масъулиятли, ахборот маданияти талаблари доирасида ҳамда хавфсиз фойдаланиш муаммосини ҳал этиш, интернетнинг ўқувчилар учун мўлжалланган сегментини кенгайтириш ва ривожлантиришдан иборатдир.

II. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

1. Танловда Самарқанд вилоятида ижтимоий-иқтисодий, маърифий-маданий соҳаларда олиб борилаётган ислохотларнинг боришини фаол тарғиб қилаётган, шунингдек, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ижтимоий шериклик ўрнатган шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, вилоятда фаолият кўрсатаётган нодавлат ношаро ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

2. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш масъул ташкилотчиларнинг вакиллари билан таркиб топган ташкилий қўмита зиммасига юклатилади. Ташкилий қўмита танловнинг ҳакамлар ҳайъати таркибини шакллантиради ҳамда уларнинг раҳбарини тайинлайди.

3. Ҳакамлар таркибига соҳа мутахассислари, ташкилот ва идораларнинг масъул ходимлари, шунингдек, маданият ва санъат соҳаси вакиллари киритилиши мумкин.

4. Танлов икки босқич (танлов иштирокчиларини рўйхатга олиш, ғолиб ва совриндорларни саралаш ҳамда тақдирлаш)да ўтказилади.

5. Биринчи босқич танлов иштирокчиларини рўйхатга олиш ва номзодларни саралаш 2016 йилнинг 20 январь кунига қадар ўтказилади.

6. Иккинчи босқичда ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш 2016 йил январь ойининг учинчи ўн кунлигида ўтказилади.

7. Танловга тақдим этилган веб-сайт фақат битта номинация бўйича иштирок этиши мумкин.

8. Танловда иштирок этувчи юридик шахслар ўз аризаси ёки билдиришномасига қуйидаги қўшимча ҳужжатларни тақдим қилиши лозим:

- иштирокчининг паспорт (ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат) нусхаси

- тегишли ташкилотнинг розилиги (ҳақиқатдан ҳам иштирокчи томонидан сайтнинг ишлаб чиқилганлиги) тўғрисидаги тавсиянома;

- танловга тақдим этган сайтнинг доменига ташкилотнинг (қонуний) эгаллиги тўғрисидаги ваколатли ташкилотнинг маълумотномаси.

9. Танловга тақдим этилган аризалар ташкилий қўмита тасдиқлаган ҳакамлар ҳайъати томонидан сараланади ва шу аснода номзодларнинг рўйхати шакллантирилади. Ҳолибларнинг якуний рўйхатини ташкилий қўмита тасдиқлайди.

10. Танловда иштирок этаётган сайтнинг мазмуни (унинг контенти)га қуйидаги талаблар қўйилади:

- танлов аудиториясининг талаб ва қизиқишларига мос келиши лозим;

- сайтнинг интерфаол рунлари (янгиликлар, воқеа-ходисалар, дастурлар ижроси) доимий равишда янгиланиб турилиши керак;

- танловда иштирок этаётган сайтга учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари, шу жумладан, муаллифлик ҳуқуқини поймол этувчи материаллар, миллий қонунчиликка зид бўлган материаллар, маънавий ва ахлоқий меъёрларга тўғри келмайдиган материаллар, хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатилиши тақиқланган маҳсулот ва хизматлар рекламасини жойлаштириш мумкин эмас;

- танловда иштирок этаётган веб-сайт визуал безатишнинг замонавий талаблари (юқори сифатли графика, шрифт ва рангларнинг мутаносиблиги, сайт мазмуни ва аудиториясига мос формат ва бошқалар)га жавоб бериши лозим.

III. Танлов номинациялари

1. Танлов унинг мақсад ва вазифаларини ўз ичига олган қуйидаги номинациялардан иборат:

– фойдаланиш учун энг қулай ва бежирим веб-сайт;

– вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий, маърифий-маданий соҳаларида олиб борилаётган ислохотларни тезкор ва холис ёритишда фаол қатнашаётган веб-сайт;

– энг кўп маълумотлар жойлаштирилган веб-сайтлар.

IV. Ташкилий қўмита ҳамда иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

1. Ташкилий қўмита фаолияти давомида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- танловни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади;

- танлов тўғрисидаги низомни ишлаб чиқади ва унга ўзгартишлар киритади;

- танловнинг ўтказилиш шартлари (танловни ўтказиш қоидалари, муддати, баҳолаш жараёни, мезонлари ва босқичлари)ни белгилайди;

- ҳакамлар ҳайъатининг таркиби ҳамда уларнинг раҳбарларини тайинлайди;

- тасдиқланган режага мувофиқ, ахборот ҳамкорлари билан келишилган ҳолда танловнинг ахборот кампанияси доирасида турли тадбирларни ўтказиши;

- танловга аризалар қабул қилиш жараёнини ташкил этади, аризаларнинг мазкур низомда кўрсатилган талаблар асосида расмийлаштирилишини назорат қилади;

- танловни ўтказиш жараёнида ҳакамлар ҳайъатининг таркибини тасдиқлайди ва уларнинг ишини мувофиқлаштиради;

- танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдирлаш маросимини ташкил этади;

- танловнинг бошқа ташкилий масалаларини ҳал этади.

V.Якуний қоидалар

Танловга топширилган ишлар ва ҳужжатлар қайтариб берилмайди. Ташкилий кўмита томонидан ушбу сайтларнинг фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ишлар кўлами кенгайтирилади.